

**XXI АСР СҮНГИ ЎН ЙИЛЛИГИДАГИ ҚУРОЛЛИ НИЗОЛАРНИ  
ХАРБИЙ САНЬАТ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

**Д.С. Каримов - полковник,  
ЎР Қуролли Кучлар Академияси,  
Харбий санъат кафедраси катта ўқитувчиси.**

**Аннотация:** Бу мақолада, сўнги ўн йиллигидаги қуролли низоларни ҳарбий санъат ривожланишига таъсири ва ҳарбий низоларни таҳлилига асосан қўшинларни қўллаш бўйича қуролли курашлар моҳиятида юз берган сифатли ўзгаришлар ҳамда истиқболдаги ҳарбий ҳаракатлар характеристини шаклантираоладиган замонавий қуролли курашлардаги тенденциялар ёритиб берилган.

**Annotation:** In given article is organized short analysis armed conflict affected development of the martial art and qualitative changes to application of the trooops, as well as reveal;open trend modern armed противоборств capable to form in prospect new forms hostilities.

**Аннотация:** В данной статье проведен краткий анализ вооруженных конфликтов повлиявшие развитию военного искусства и качественные изменения в области применения войск, а также раскрыты тенденций современных вооруженных противоборств способных сформировать в перспективе новые формы военных действий.

**Калит сўзлар:** қуролли тўқнашув, иқтисодий қамал, интеллектуал-ахборот қарама-қаршилиги, радиоэлектрон кураш воситалари.

**Keywords:** the arms collision, economic blockade, intelektualino-information fight, radioelectronic fights.

**Ключевые слова:** вооруженное столкновение, экономическая блокада, интеллектуально-информационное противоборство, средства радиоэлектронной борьбы.

Ҳарбий санъат йўналишида олиб борилган илмий тақиқодлардаги эришилган ютуқлар давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш бўйича барча концептуал ва доктринал хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва уларга керакли ўзгартиришлар киритишга унданмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий низони бошланиши ва айниқса уни тугаши бўйича бирон бир чегараси ёки тафовутини аниқлаш ниҳоятда қийинлашиб бормоқда. Илмий ютуқлар ва янги технологиялар ҳарбий низоларни умумэътироф этилган қонун ва қоидаларга зид равишда ҳамда олдиндан эълон қилинмасдан турли шаклларда олиб боришга имкон яратмоқда.

Илмий - техник тараққиётидаги ютуқлар одамзод ривожини янги сиффатли даражага олиб чиқиб, қоңсиз лекин ўта хавфли ҳарбий харакатлар олиб бориш имконига эга кибермакон яралышыга олиб келди. Буларни бугун оммавий тартибсизлик ва хаосларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётганини кузатмоқдамиз.

Иккита давлатларнинг ёки давлатлар блокларининг муайян сиёсий мақсаддаги ананавий урушлар тобора ўтмишга айланиб бормоқда.

Сиёсий мақсадлар ўзгариши сабабли қуролли низони хал қилишдаги қуролли курашларни олиб борищдаги стратегик мақсад ва вазифалар хам ўзгариб бормоқда.

Урушда душманни қуролли кучларининг туркумларини босқичма-босқич яксон қилиб, у давлатни ҳарбий харакатлар олиб бориши давом эттириш имкониятларини йўққа чиқариш бўйича олиб бориладиган усулларини ўрнига аҳборот маконида ташуббусни ва ҳавода устунликларни таъминлаш, бошқарув тизимининг муҳим объектларини ва ресурслар базасини вайрон қилиш каби янги усуллар кириб келди.

Қатта эътибор олдиндан душман қўшинларини ҳарбий харакатларни олиб бориши бўйича имкониятларини сусайтиришга қаратилмоқда.

Хужум қилаётган давлат томонидан ҳарбий харакатлар бошлашдан олдин қарши давлатни иқтисодий қамал, сиёсий яккалаш, давлат аҳолисига ва ҳалқаро жамият фикрига мақсадли аҳборот таъсир ўтказиш, ҳамдард ва эҳтимолий иттифоқдошларни бетарафлика ундашлар қўлланилмоқда. Ҳарбий потенциалини сусайтириш бўйича қатор чоралар кўрилмоқда.

Давлатга қарши куч ишлатиш акцияси эса иқтисодий, ҳарбий ва маънавий потенциаллари зайдлашганда, ҳалқаро аренада обрўви тушганда ва ҳалқини ўз Ватанини ҳимоя қилишга ҳоҳши йўқолгандагина қўлланилишини кузатяпмиз.

Охирги ўн йилликдаги ҳарбий низоларни таҳлилига асосан ҳарбий санъатда қўшинларни (кучларни) қўллаш бўйича қуролли курашлар моҳиятида анча сиффатли ўзгаришлар содир бўлди деган хулоса қиласа бўлади. Истиқболдаги ҳарбий харакатлар характерини шаклантираоладиган замонавий қуролли курашлардан қўйидаги тенденцияларни киргизиш мумкин:

**қуролли тўқнашувлардаги аҳборот таркибий қисмини роли жиодий равишда ошиши.** Бу аҳборот технологияларни кенг қўллай оладиган қуролли тизимларни (разведка-зарба мажмуалар, ўта аниқ қуроллар, ўта тез разведка, алоқа ва бошқарув тизимлари, самарали радиоэлектрон кураш воситалари) пайдо бўлиши билан боғлиқ;

ҳаво-космик сферада харакатланувчи қўшинлар (кучлар) ва воситаларнинг солишишим оғирлигини ошиши. Ҳарбий-ҳаво кучларининг ҳаво-космик кучларига трансформацияси рўй бермоқда, истиқболда уларнинг космик таркибий элементларини илдам ривожланиши асосида космик-ҳаво кучлари трансформацияси юзага келади;

**қуролли курашнинг кенг маконли хусусиятларини ўзгариши.** Шикаст етказувчи воситаларнинг қитъалараро етиб боришлиги, разведка, алоқа, навигациянинг космик тизимларидан кенг фойдаланиш, ҳарбий харакатларнинг

асосий воқеаларини ҳаво-космик сферага кўчиб ўтиши урушнинг глобал миёсига сабаб бўлади. Ҳарбий харакатлар театрида операциялар ва жанговар харакатларнинг хотимасига ушбу театрлардан ташқарида турувчи куч ва воситалар таъсир кўрсатади;

**куролли курашни вақт кўрсатгичларини ўзгариши.** Бу, тинчлик даврдаги жанговар шай мобил қучларни қўлланилганлиги учун ҳарбий харакатларга тайёргарлик вақтини қисқарилишида ҳамда ҳарбий харакатларни шиддати ва тезкорлиги ошганлигига, душман ва ўз қўшинлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича ишлар реал вақтда ёки реал вақтга яқинлашган масштабда бажарилишида кўрилмоқда;

душмаш қўшинларининг туркумларини яксон қилишдан кўра саралаб дастлаб давлат ва ҳарбий бошқарув тизимининг объектларини, давлатнинг саноат ҳамда инфратузулмаларини яксон қилишда **ўта аниқ қуролларни кенг қўлла** нафақат тактик ва оператив, балки стратегик вазифаларни бажариш мақсад қилинмоқда;

узоққа отадиган юқори аниқликда зарба берувчи қуролларни ҳавода ва сувда ташувчи воситалари томонидан душманнинг шикаст етказиш воситаларининг таъсир худуди ташқарисида туриб шикаст етказиш воситаларини қўлланиши “**шикаст етказииши ҳудудидан ташқарида туриб яксон қилиши**” концепциясини амалга оширишни имконини беради. Қуролли курашда душман устидан қатъий устунликка эришишда қўшинлар группировкасининг миқдорининг ҳисобига эмас балки, унинг маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш, бошқарув, разведка, талофат етказиш, навигация, хар томонлама таъминот тизимлари устидан ҳарбий-техник ва ташкилий жихатдан батамом устунликка эришиш орқали **урғу берилади**;

**радиоэлектрон курашнинг ролини ошиши.** РЭК жанговар харакатларни таъминлаш туридан, асосини разведка-электрон шикастлаш омиллари ташкил қилувчи РЭК операцияларини қўллашнинг янгича шакл ва усулларига эга бўлган мустақил жанговар харакатлар турига айланиб бормоқда.

Юқорида таъкидланганидек, жанговар харакатларни олиб бориш шартлари, айниқса локал урушларда, мутлақо бошқача кўринишга келди. Кўшилма ва ҳарбий қисмларнинг автомном харакатлари бир неча бор ошмоқда, ўз навбатида командир ва бошлиқларнинг мустақил харакатлари хам. Юзага қелувчи воқеа ва ҳодисаларга нисбатан мос равишида адекват жавоб қайтариш вақти бир неча дақиқаларгача қисқариши мумкин. Бу эса юқори турувчи қўмондонга шахсан операцияни олиб боришнинг барча нозик масалаларини кўриб чиқиш ва хал қилиш имкониятини бермайди. Барча бўғинлардаги командирларга (бошлиқларга) сезиларли даражада катта ташаббускорлик ва мустақиллик зарур.

Бироқ, қўшинларни марказлашмаган бошқаруви тенденциясининг ривожланиши бошқарувнинг назорат аталмиш функциясини бекор қилишни англашмайди.

Разведка ва мажмуавий оловли, электрон, ахборот ва интеллектуал таъсир этишнинг қудратли воситаларининг хозирги замон даврида командирни нафақат ўйлашга, балки жангни моделлаштиришга таянган холда тизимли фикр

юритишига ўқитиш керак. Бунинг учун истиқболли ахборот технологияларига асосланган ва интеллектуал қарши курашишида устунликка эришишини таъминлайдиган жангни моделлаштириши ва бошқаришини автоматлаштиришининг янги мослаштирилган тизим ва воситаларини яратиш ҳамда ҳарбий таълимнинг янги дастурлари ва усулларига керакли ўзгартиришлар киритиш лозим.

**Яқин келажакда душман устидан интеллектуал устунликка эришиш тамойилига таянган бошқарувнинг роли нафақат ўсади, балки хал қилувчи омил аҳамиятини касб этади.**

Шу боис, хозирги вақтда ҳарбий илмнинг ушбу соҳасини назарий ва амалий жихатдан яратиш ва ривожлантириш долзарб ва талаб этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, илмий-техник тараққиёт шароитларида, ахборот ва автоматлаштириш асрида, қўшинлардаги бошқарув тизими ва разведканинг юқори самарали тизимлари билан, ўзидан қудратлироқ бўлган, бироқ бошқарув тизими ва ахборот-электрон тузилмалари қарма-қаршиликларида паст келадиган душман устидан ғалабага эришиши мумкин. Гарчи мантиққа мос келмаса ҳам, лекин энди урушни бошланишига қадар уни муваффақиятли яқунлаш имкониятини истисно қиласлиқ керак, бунда – интеллектуал-ахборот қарама-қаршилигида ютиб чиқиш етарлидир.

Таъкидлаш жоизки, истиқболдаги қуролли курашининг мазмун-моҳияти сезиларли ўзгаради, эҳтимолий урушлар ва қуролли можаролардаги ҳарбий харакатлар ҳарбий ва технологик соҳаларда энг илгор ютуқларни амалиётга тадбиқ этишга юқори даражада тайёрланган мамлакатнинг қонун ва қоидалари бўйича олиб борилади.

Шундай қилиб, бугун урушнинг мазмун моҳиятини - иқтисодий, сиёсий, дипломатик ахборот, душманни бостириш ва йўқ қилишнинг ҳарбий ва бошқа турлари йигиндисини ифодалайди ва бунда қуролли кураш - муҳим белгиловчи омил бўлмаслиги мумкин. **Замонавий қуролли можароларнинг асосий мақсади сифатида** қарама-қарши томоннинг сиёсий йўналишини ўзгартиришга, маҳаллий, минтақавий ёки дунё миқёсида қарама-қарши субъектлардан бирининг ахборот, молия, энерго-хомашё, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар устидан устунликни назорат қилишни таъминлайдиган сиёсий ва иқтисодий шартларни қабул қилишга мажбурлашларни кўриш мумкин.

Демак, ҳарбий харакатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, давлатга юқори харакатчан кўп функцияли жанговар тизимларга эга, хар қандай шароитларда разведка, ахборот қарама-қаршилиги вазифаларини бажаришга, ҳаводан ва ердан зарбаларни қайтаришга, душманнинг десант-диверсион ва маҳсус операциялар кучлари билан курашишга, унга зарба беришга, қўшинлар ва объектларни яшовчанлигини таъминлашга, қўшинларни хар томонлама таъминотини амалга оширишга қодир Қуролли Кучлари зарур.

бундан ташқари барча давлатлар келгусида ҳудудий мудофаа тизимини сифатли ривожлантириш бўйича керакли дастурлар қабул қилиши лозим, чунки ҳудудий мудофаа тизими давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш

тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрин эгаллайди. Бунда ҳудудий мудофаани тайёрлашга катта амалий йўналиш бериш зарур.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – ЎзМЭ 2 “Бешик-Гидрофизика”,, ДИН. Т.: 2001. С.85-86.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 10 январь Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги чиқишидан. // Халқ сўзи. – 2018. – 11 январь. №6.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Қуролли Кучларни ташкил этилганлигига 28 йил, Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан байрам табригига. // Ватанпарвар. – 2020. – 17 январь. №3.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг вазирлик ва идора раҳбарларлари билан йиғилишдаги маърузаси 22.11.2020. [www.gazeta.uz/ru](http://www.gazeta.uz/ru).
5. Chandler D.G. The Campaigns of Napoleon. N.Y., 1966. Русское издание: Чандлер Д. Военные компании Наполеона. Триумф и трагедия завоевателя. - М., 1999.
6. Халилов Р.М. Основы военного строительства и строительства Вооруженных Сил. Учебник – Т.: АВС РУ, 2020. ДСП, инв. № 2058. С 49,50.
7. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ахборот бюллетени. ЎР ҚҚ Академияси нашри. – 2015. – 2-сон. – 172 б.
8. Традиционная война стала раритетом - <http://www.rol.ru/news/misc /newsreg>

**Адрес издательства:**

100023, г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Паркент-2 Академия ВС РУ.

Тел.: (+998 71) 289-97-22, 289-97-17

Факс: (+998 71) 268-02-70

E-mail: [akaduz@umail.uz](mailto:akaduz@umail.uz)

[akaduz@yandex.ru](mailto:akaduz@yandex.ru)

E-xat: [so-akadvs@exat.uz](mailto:so-akadvs@exat.uz)